

# Келажакда, умматнинг охирида бир халифа чиқади



Келажакда, умматнинг охирида бир халифа чиқади

Мўминларга эслатма

15:20 / 21 октябрь 1644

نَبِّهٌ لِلْأَذِي بُعْدَ  
ثُرَاخْلَالَ حَدَّلَاقَةَ يَطْبَقْلَا  
هَلْلُادْبَعَ وَهَعِيَبَرِيَبَأْنَبَ  
ئَلَعَمْهَعَمَ آنَاؤَنَاؤَفَصُنْبَ  
نَعَمْهَسَفَمَلَسَمْ  
هَبُفَسْحَيَيْدَلَشْيَجْلَا  
نَبِّهٌ مَّا يَأْيَأْ فَكَلَدَنَأَلَوَ

لُوسَرَلَاقْ ؛ تَلَاقَفِ رْيَبْزِلَا  
هَيَلَعْهَلَالِي لَصَرَهَلَالِ  
تْيَبْلَابْ دِئَاعْ دُوعَي» ؛ مَلَسَو  
اَذِافْ ثْعَبْهَيَلِإِثْعَبْيَف  
ضْرَلَانِمَءَادِيَبْ اُونَاكِ  
اَي ؛ تْلُقَفْ، «مِهَبَ فَسُخ  
نَمَبَ فَيَكَفَهَلَالِلُوسَر  
هِبُ فَسُخْيِي» ؛ لَاقْ هِرَاكَنَاكِ  
مَوِيُّثَعْبُيُّهَنَكَلَوْمُهَعَم  
يَفَو . «هِتْيِنَيَلَعَهَمَأِيَقْلَا  
نْبَهَلَالِدْبَعَلَاقِهَيَأَور  
اَذِهَبَ وُهَامِهَلَالِأَمَأِ ؛ نَأَوْفَص  
نْبَهَلَالِتِقْلِي تَلَالِشْيَجْلَا

# عَبْرِلُوْرُ وَرِبْرِيْلَ.

Убайдуллоҳ ибн Қибитийя розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Ҳорис ибн Абу Робийъа ва Абдуллоҳ ибн Сафвон розияллоҳу анҳумолар Умму Салама розияллоҳу анҳонинг ҳузурлариға киришди. Мен ҳам улар билан бирга эдим. Икковлари у кишидан ер ютиб юборадиган лашкар ҳақида сўрашди. Ўша вақтда Ибн Зубайрнинг воқеаси бўлаётган кунлар эди. Умму Салама шундай деди: «Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам **«Бир паноҳ истовчи Байтдан паноҳ топади. Сўнг унга бир аскар юборилади. Сайҳонликка етғанларида уларни ер ютади»**, деганлар. «Эй Аллоҳнинг Расули, ўша ишни ёқтирганлар қандоқ бўладилар?» десам, у зот: **«Уни ҳам улар билан қўшиб ер ютади, лекин у Қиёмат куни ниятига яраша тирилади»**, дедилар».

Бошқа бир ривоятда «Абдуллоҳ ибн Сафвон «Ундоқ бўлса, ўша аскар манави Ибн Зубайрга қарши қитолга юборилган лашкар эмас экан», деди», дейилган.

Тўртовлари ривоят қилганлар.

**Шарҳ:** Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳумо Маккада умавийлар халифалигига қарши чиқиб, Ҳижозда ўз халифалигини эълон қилган. Шунда Шомдаги халифа Язид ибн Муовия у кишига қарши Ҳажжож золим бошчилигида лашкар юборган, Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳу Каъбага кириб паноҳ топганлар.

Ўшанда одамлар Пайғамбар алайҳиссаломнинг Қиёмат яқин қолганда бир одам Каъбага кириб паноҳ топиши, унга қарши юборилган лашкарни эса ер ютиши ҳақидаги ҳадиси шарифларини эслаб қолишган. Ҳорис ибн Абу Робийъа ва Абдуллоҳ ибн Сафвон розияллоҳу анҳумолар Умму Салама онамиз розияллоҳу анҳодан бу ҳадиси шариф ҳақида сўраш учун келишган. Улар билан бирга ушбу ривоятнинг ровийиси Убайдуллоҳ ибн Қибитийя розияллоҳу анҳу ҳам бўлган.

Улар Умму Салама онамиз розияллоҳу анҳодан бу ҳадиси шарифни эшитганларидан сўнг, гап бошқа паноҳ топувчи ҳақида, бошқа лашкар ҳақида эканини англаб етганлар.

Ростдан ҳам Ҳажжожнинг лашкарини ер ютмаган. Дарҳақиқат, бу ҳадиси шарифда гап бошқа лашкар, яъни Имом Маҳдий розияллоҳу анҳу Каъбадан паноҳ топғанларида у кишига қарши юбориладиган лашкар ҳақида кетган.

يَبْن لِرَنَعَ مَسْمُونَ  
مَسَوْهِيَلَعْهُ لَصَ  
دُنْعُفَالْخُنُوكَيِّ» :لَاق  
لُجَرْجُرْخَيَفِي لَخَتْوَم  
يَلِإِبْرَاهِيْنِيَدْمُل لَهَّاْنَم  
لَهَّاْنَمْسَانِيَتْأَيَفِي لَكَم  
هِرَاكَ وَهَوَهَنْوَجْرُخَيَفِي لَكَم  
نْكُرلَهْنِيَبُهَنْوَعِي اَبُي فِي  
ثَعَبِهِيَلِإِثْعَبِيَوِهِمَاقْمُلَاوِي  
فَسْخُيَفِي مَاسِل لَهَّاْنَم  
لَكَمَنْيِبِهِادِيَبْلَابِمِهِب  
سَانِلَهْأَرَذِإِفِي هَنِيَدْمُلَاوِي

مَاشِلٌ اُلْاَذْبَأْ هَاتَأْ كَلَذْ  
قَارِعٌ لِّلَّهُ أَصَعَ وَ  
نُكْرِلٌ نِيَبُ هَنْوُعِيَّ بُيَفَ  
نَمُّ لُجَرْ أَشْنَيِّ مُثْمَاقَمْلَاوَ  
ثَغَبَيَفْ بْلَكُ هُلَافَخَأِشْيَرُقَ  
نُورَهُ طَيَفَ، أَثْعَبْ مُهْيَلَإِ  
بْلَكُ ثَغَبَ كَلَذَوْ مُهْيَلَعَ  
دَهْشَيِّ مَلْ نَمَلُهَبَيَخْلَاوَ  
سْقَيَفَ، بْلَكَهَمَيَنَغَ  
سَانَلَا يَفُلَمَعَيَوَلَامَلَا  
هَلَلَا هَلَصَرْمَهِيَبَنْهَنْسَبَ  
يَقْلُيَوَهَمَلَسَوْهَيَلَعَ  
ضَرَالَا يَفِنَأَرَجَبُ مَالَسِإِلَا

مُثَّنِي نَسْعَبَسْتَبْلِيَفْ  
يَلْصُيَوْفَوْتُي  
دُوَادْوَبْأَوَرْ. «نُومْلُسْمُلَا

Умму Салама розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: «Бир халифа вафот этганда ихтилоф бўлади. Мадинадан бир киши Маккага қочиб чиқади. Унинг олдига Маккадан одамлар келиб, ўзи истамаса ҳам уни олиб чиқиб, Рукн билан Мақом ўртасида унга байъат қиласидилар. Унга қарши Шомдан аскар юборилади, лекин уларни Макка билан Мадина орасидаги сайҳонликда ер ютади. Одамлар буни кўргач, унинг олдига Шомнинг абдоллари - авлиёлари ва аҳли Ироқнинг яхшилари келиб, унга байъат қиласидилар. Сўнгра қурайшдан тоғаси Бану Калблик бир киши чиқади. Маҳдий уларнинг устига аскар юбориб, уларга ғолиб келади. Ана ўша Калбнинг аскариidir. Калбнинг ўлжасига ҳозир бўлмаган одам ноумиддир. Кейин у (Маҳдий) молни тақсим қиласиди, одамлар орасида Набийлари соллаллоху алайҳи васалламнинг суннатига амал қиласиди. Ер юзида Ислом қарор топади. У етти йил қолиб, сўнг вафот этади, мусулмонлар унинг жанозасини ўқийдилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

لَلِا يَضْرَبْرَضَنْ يَبْأَنْعَ  
رَبْأَجَدْنَعْ آنُكْ لَقْنَعْ  
لَقْفَهْلَعْ يَضْرَبْ

يَبْجُي ۝لْأَرْقَاعُلِّاً لَهُوكِشُوْي  
مَهْرَد ۝لَوْزِي فَقْ مَهْيَلِإ  
لَاق ؟كَادَنْيَاً نَم : ۝انْلُق  
لَاق مُث ۝لَكَادَنْوَعَنْمَيْ مَحَاعُلَا  
يَبْجُي ۝لْأَمْشَلِّاً لَهُوكِشُوْي  
۝انْلُق يَدُم ۝لَوْرَانِي دَمْهَيَلِإ  
لَبْقْ نَم ۝لَاق ؟كَادَنْيَاً نَم  
مُث ۝يَنْهَتَكَسْ مُث مُورَلَا  
يَلَصِرَهَلِلِّاً لُوسَرَلَاق ۝لَاق  
نُوكَي» ۝مَلَسَوْهَيَلَعُهَلَلَا  
يَثْحَي ۝فِيلَخ يَتْمَرَخ آيَف  
۝ادَع ۝هُدَعَي ۝لَهُيْثَحَلَامْلَا  
هَنَأ يَرَتَأ ۝هَرَضَن يَبَأْلُتْلُق

# لَاقِ ئِزِيْنَعْ لَدْبَعْ نُبُرْمُعْ

## Jr.

Абу Назра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Жобир розияллоху анхунинг олдида эдик, у шундай деди: «Келажакда аҳли Ироқдан қафиз ҳам, дирҳам ҳам йиғилмайди», деди. «Бу қаердан?» дедик. «Ажамлар уни беришмайди», деди. Сүнгра: «Келажакда аҳли Шомдан муд ҳам, динор ҳам йиғилмайди», деди. «Бу қаердан?» дедик. «Рум тарафдан», деди. Бир оз сукут сақлаб туриб, «Расулуллоҳ алайҳиссалом **«Келажакда, умматимнинг охирида бир халифа чиқади. У молни сочади, уни санамайди»**, деганлар», деди. Абу Назрага «Сенингча, ўша Умар ибн Абдулазизми?» деган эдим, «Йўқ», деди».

**«Фитналар ва Қиёмат аломатлари» китобидан**